

ШАРТНОМАСИ №231222

Тошкент шаҳар

“23” декабр 2022 йил

Самарканд вилояти Адлия бошкармаси номидан Низом асосида иш юритувчи, бошкармаси бошлиғи С.С.Нуриев бир томондан («Буюртмачи») ва «SOLAR NATURE» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи, корхона директори Ф. Ф. Асралходжаев («Ижрочи»), бундан кейин биргаликда «Томонлар» деб аталади ва мазкур шартномада кўрсатилган ҳар бир юридик шахс алоҳида «Томон» деб аталади, Томонлар ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1. Буюртмачи буюртма нарҳини бслгаланган тартибда Ижрожига тўлайди ва ушбу ҳаракат билан сотиб олади, Ижрочи эса Буюртмачининг буюрмаси бўйича қўйидаги мажбуриятини ўз зиммасига олади:

а) Буюртма қиланган 50 кВт қуёш фотозлектр станциясини Самарканд вилояти Адлия бошкармаси маъмуриятига етказиб бериш;

б) Ижрочи Буюртмачи томонидан белгиланган ҳудудга ўрнатиш ва монтаж қилиш;

в) Тўлиқ ишга тушириш ишларини бажариш.

2. Қуёш фотозлектр станциясини ўрнатиш жойи: Самарканд вилояти Адлия бошкармасига қарашли, Тойлок туман ДХМ маъмурий биносига 10 кВт, Ургут туман ДХМ маъмурий биносига 10 кВт, Каттакўрғон туман ДХМ маъмурий биносига 10 кВт, Пастдаргом туман ДХМ маъмурий биносига 15 кВт ва хизмат уйига 5 кВт биносининг том қисми (кейинги ўринларда).

Мазкур шартнома Самарканд вилояти Адлия бошкармаси томонидан <https://etender.uzex.uz/> порталида 2022 йил 16 декабрдаги энг яхши таклифни танлаб олиш бўйича 208470 -сонли электрон баённомаси асосида тузилди.

Томонлар техник топшириқларга ҳар қандай ўзгартиришлар киритилган тақдирда, шартномага ёзма қўшимча қилишув асосида ўзаро қилишилгандан кейин яқуний ўзгартирилган деб ҳисобланади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

2.1 Мазкур шартнома бўйича товар ва хизматларнинг <https://etender.uzex.uz/> порталида 2022 йил 16 декабрдаги энг яхши таклифни танлаб олиш бўйича 208470-сонли электрон баённомасига асосан ҚҚС билан 550 000 000 сўм (беш юз еллик миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Ушбу шартнома бўйича тўлов Буюртмачи томонидан Ижрочи ҳисоб рақамига қуйидаги тартибда ўтказилади:

- Томонлар ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5(беш) банк иш куни ичида шартноманинг 2 бандида кўрсатилган умумий суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўлов;

- Товар қийматининг қолган 70 фоизи Товар Буюртмачи манзилига етказиб, ўрнатиб, ишга тушириб берилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширилади.

2.3. Ушбу шартнома бўйича барча тўловлар Ижрочининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.4. Тўлов санаси томонлар реквизитларида кўрсатилган Ижрочининг банк ҳисобварағига маблағлар ўтказилган сана ҳисобланади.

III. ТОВАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ЎРНАТИШ, МОНТАЖ ҚИЛИШ ВА ИШГА ТУШИРИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Ушбу шартнома бўйича Ижрочи томонидан товарни етказиб бериш, ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишга тушириш шартларининг бажарилиши тўлов амалга оширилган пайтдан бошлаб

2022 йил 16 декабрдаги энг яхши таклифни танлаб олиш бўйича 208470-сонли, 60 иш кун этиб белгиланди.

3.2. Ижрочи товарни Буюртмачига муддатидан аввал етказиб бериш ҳуқуқига эга.

3.3. Буюртмачи ўз ўрнида кейинги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

3.3.1. Товар ўрнатиладиган ҳудудда Ижрочининг эркин ҳаракатланишни таъминлаш;

3.3.2. Товар ўрнатиладиган ҳудудни ўз вақтида топшириш;

3.3.3. Товар ўрнатиладиган ҳудудни техник талабларга тўлиқ жавоб беришини таъминлаш;

3.3.4. Ижрочи Товарни ўрнатиш вақтида Буюртмачи ва унинг вакиллари томонидан иш жараёнига аралашмаслик.

3.3.5. Об-ҳаво ўзгарганда ёки Товар ўрнатиладиган ҳудуднинг техник талабларга жавоб бермаслиги билан иш жараёнлари тўхтатилган вақтларда шартномада келтирилган муддатлар қўшимча келишувлар орқали узайтирилиши мумкин.

3.3.6. Буюртмачи Ижрочи томонидан бажарилган ишларни белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш.

3.4. Ижрочи Товарни ишга туриш ва тўлиқ ишлаши жараёнини тушунтириш ишларини олиб боради ва керакли кўрсатмаларди беради.

3.4. Буюртмачи, Ижрочи томонидан ўрнатилган ва ишга туширилган Товарни техник кўрсатмаларига риоя қилмаган тақдирда юзага келган оқибатларга Ижрочи жавоб бермайди.

3.5. Ижрочи маҳаллий электртормоклари томонидан ўзатишган электр токи мавжуд бўлмаган вақтларда юзага келадиган муаммолар ва техник харажатларни ўз зиммага олмайди.

3.6. Ўрнатиш ва ишга тушуриш ишлари якунлангандан сўнг, фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштиради ва қабул қилинган Товар қайтариб олинмайди.

3.7. Беш банк кун ичида ўрнатиш, ишга тушуриш ва бажарилган ишлар далолатномасини қабул қилиш ёки Буюртмачи томонидан асосли ва камчиликларни акс этирган ҳолда хат юбориш шарт. Юқорида айтиб ўтилган муддатларда далолатномалар Буюртмачи томонидан имзоланмаса, далолатномалар қабул қилинаган деб ҳисобланади.

3.8. Иш тугагандан сўнг, Ижрочи ёки унинг вакили Буюртмачига усқунани ўрнатиш ва ишга тушириш ишларининг тугалланганлиги ва усқунани етказиб бериш ва қабул қилиш ва бажарилган ишларни ишга тайёрлиги тўғрисида хабарнома юборади. Усқунани ва бажарилган ишларни қабул қилишда буюртмачи ва унинг вакили усқунанинг сифати ва ишлашини, шунингдек бажарилган ишларни текширади.

3.9. Носозликлар ва/ёки бошқа номувофикликлар, ушбу шартномада назарда тутилган техник параметрлардан четланишлар аниқланган тақдирда, буюртмачи ёки унинг вакили нуқсонни тегшили ёзув билан далолатномага киритади ва бажарувчинини ёзма равишда хабардор қилади.

3.10. Носозликлар аниқланган тақдирда, улар ижрочи томонидан бартараф этилмагунга қадар далолатнома имзоланмайди ва иш қабул қилиниб олинмаган ҳисобланади.

3.11. Ёзма асос беришдан бош тортиш усқунани ва бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортишнинг асоссизлигини англатади. Усқунани ва бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортиш тақдирда, буюртмачи ўз сабабларини ёзма равишда асослаб бериши керак.

IV. КАФОЛАТ

4.1. Ижрочи қуйидаги ҳолларда буюртмачи олдида кафолат мажбуриятларини ўз зиммасига олмайди:

а) Буюртмачи вакиллариининг эксплуатацион ҳужжатлар ва техник шартларни бузган ҳолда амалга оширилган ҳаракатлари натижасида товарларга етказилган зарар;

б) Ижрочидан ташқари бошқа шахслар томонидан усқуна таъмирланганида;

с) форс-мажор ҳолатлари (фалокатлар, табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлари) натижасида усқунанинг ҳар қандай шикастланиши.

4.2. Ижрочи ушбу шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилганидек, Буюртмачи томонидан усқуна шикастланган ёки ўзгартирилган бўлса, томонлар томонидан имзоланган қўшма далалотнома билан тасдиқланиши керак бўлган кафолат хизматини рад етиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

4.3. Қабул қилиш ва топшириш далолатномасига асосан қуёш электр модуллариининг хизмат қилиш муддати 25 йил этиб белгилансин.

4.4. Ижрочи инверторга 3 (уч) йил кафолат муддати тақдим этади, агарда Буюртмачи кафолат муддати давомида ускунадан тўғри фойдаланган ҳолатда. 3 (уч) йил давомида Ижрочи томонидан қуёш фотоэлектр станциясини ўрнатишга хизмат кўрсатиш ва эксплуатация қилиш хизматиини амалга оширади.

4.5. Эксплуатация қилиш тартиблари ва ушбу шартноманиннг барча шартларига амал қилинганда, ушбу кафолат мобайнида аниқланган ёки келиб чиққан камчиликлар (носозликлар) ижрочининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Буюртмачининг ҳуқуқлари:

5.1. Ушбу шартнома ва шартнома асосида берилган буюртманомага биноан тегишли сифатдаги Хизматларни бажаришни ҳамда шартномавий мажбуриятларниинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини Ижрочидан талаб қилишга;

5.2. Лозим сифатга мувофиқ бўлмаган Хизматлар бажарилганда Буюртмачи ўз хоҳишига кўра:

- лозим сифатда бажарилиши керак бўлган Хизматларни Ижрочи ўз ҳисобидан қайта бажаришни;

- лозим сифатга мувофиқ бўлмаган кўрсатилган Хизматларни қабул қилишни рад этишга;

5.3. Ижрочидан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни қоплашини талаб қилишга ҳақлидир.

Ижрочининг ҳуқуқлари:

5.4. Буюртмачидан бажарилган Хизматлар учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилишга;

5.5. Шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ бажарилган Хизматларни қабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни Буюртмачидан талаб қилишга;

5.6. Шартномавий мажбуриятларниинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ижрочининг мажбуриятлари:

6.1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

6.2. Бажарилиши керак бўлган Хизматларни лозим бўлган сифатда бажаришни таъминлаш;

6.3. Агар Ижрочи Хизматлар кўрсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларниинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, Буюртмачининг талабига асосан барча аниқланган камчиликларни 30 кун ичида бепул бартараф этиш;

6.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

Буюртмачининг мажбуриятлари:

6.5. Буюртмачи Хизмат кўрсатиш жараёнига салбий таъсир қиладиган ҳолатлар тўғрисида Ижрочини олдиндан хабардор қилиш;

6.6. Хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайдан бошлаб 10 кун ичида мазкур шартноманиннг 2.1.—бандида кўрсатилган баҳо бўйича Хизматларга ҳақ тўлаш;

6.7. Шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариши шарт.

6.8. Ускунани ўрнатиш ва ишга тушириш жойини Ижрочига ўз вазифаларини бажариш учун шароит ва имконият яратиш.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва 29.08.1998 йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунининг 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

7.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, Буюртмачи кечиктирилган ҳар бир кун учун тўлови кечиктирилган сумманинг 0,5 % миқдориди, лекин шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.

7.3. Хизматлар бажарилиш муддатини кечиктирилганлиги учун Ижрочи кечиктирилган ҳар бир кун учун кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 0,5% миқдориди, лекин шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаган миқдорда жарима тўлайди.

7.4. Буюртмачи томонидан Хизматлар кўрсатилиш жараёнида содир этилган қонун бузилиш ҳоллари учун Ижрочи мажбурият олмайди.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни шартнома шартларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод этмайди.

7.6. Шартномани бажаришдан (шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари) бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

7.7. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф қилиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширганларидан сўнг, уларни тегишли иқтисодий судда кўриб чиқишга топширадилар.

8.3. Томонлар мазкур шартнома бўйича низоларни судгача ҳал қилишнинг максимал муддатини 15 календар кунидан ошмаслигини белгилайдилар.

IX. ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилинган ҳолда икки томоннинг муҳр ҳамда имзолари билан тасдиқланади.

X. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ

10.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни божхона ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига қафолат беради.

10.2. Агар шартнома бўйича бир тараф божхона ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони; Telegram-канал ([«@anticorbot»](#));

Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТИ

11.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини гайритабiiий ҳолатлар: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаш ва бошқа табiiий офатлар сабабли бажара олмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

12.1. Мазкур шартнома икки томонлама имзоланиб худудий Ғазначилик бўлимларидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

12.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XIII. БОШҚА ШАРТЛАР



13.1. Агар ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар томонлар томонидан ёзма равишда тузилган ва имзоланган бўлса, амал қилади.

13.2. Томонларнинг ҳеч бири ушбу шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсга ўтказишга руҳсат етилмайди.

XIV. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Пудратчи:

Буюртмачи:

ООО «Solar Nature»	Самарканд вилояти Адлия бошқармаси
Манзил: Ташкент шаҳар, Яққасарай туман, Қушбеги кўчаси 18а	Манзил: Самарканд шаҳар бобур Мирзо кўчаси 12-уй
х/р: 20208000100295206001	х/р: 400121860184017019902009001
Банк: Ўзсаноатқурилишбанк бош офиси	Ягона ғазначилик ҳисоби (ЯҒХ): 23402000300100001010 МҒО 00014 Банк Маркзий банк Тошкент шаҳар ХККМ
ИНН: 302881192	ИНН: 201214344
МҒО: 01042	МҒО:00014
 Директор Асралтоджен Ф. Ф. М.Ў.	 Бошқарма бошлиғи С.С.Нурiev М.Ў.

Асралтоджен Ф. Ф.